АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Малика Мухамаджоновна Парпиева

ТАТУ Менежмент ва Маркетинг кафедраси ассистенти

malikaparpieva1983@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ахборот ва коммуникацион технологиялар соҳасида инновацион менежментни ҳозирги ҳолати ва ривожланиши бўйича илм-фан янгиликлари, илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Инновация, менежмент, ахборот-коммуникация, технология.

CURRENT STATUS AND DEVELOPMENT OF INNOVATIVE MANAGEMENT IN THE FIELD OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES

Malika Mukhammadjonovna Parpiyeva

Assistant of the Department of Management and Marketing, TUIT

malikaparpieva1983@gmail.com

The latest news, scientific proposals and recommendations on the current state and development of innovative management in information and communication technologies are presented.

Keywords: Innovation, management, communication, technology.

КИРИШ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган саноат мамлакатлари миллий бойлигининг ўсиши

асосан инновацион жараёнларни ривожлантириш ва жорий этиш ҳисобига таъминланмоқда. Киритилаётган янгиликлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига таъсир этади, фаравонликнинг ўсишига, ҳаёт сифатининг, таълим даражасининг юксалишига кўмаклашади, ижобий инновацион иқлимни шакллантиради ва бу билан мамлакатнинг инновацион салоҳияти ошади. Инновацион салоҳиятнинг юксалиши туфайли юқорироқ даражага эришган иқтисодий тизим кишиларининг ижодий қобилияти ортганлиги, уларнинг инновацион тараққиётга тайёр эканлиги билан характерланади. Бошқача айтганда, унда келгуси техник янгиликлар ва ўзгаришлар учун ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий шарт-шароитлар шаклланади.

Республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида кўп ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши, инновация ва инновацион ғоялар ҳисобига янгиланиб келинмоқда. Шу билан бир қаторда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бироқ, бугунги фан техника тараққиёти, қолаверса жаҳон бозорида рўй бераётган инновацион ўзгаришлар эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолишга имкон бермайди. Шу боис, миллий иқтисодиёт ва жаҳон бозоридаги инновацион стратегик ўзгаришларни ўрганиш, тадқиқотларни олиб бориш, назария ва услубларини яратиш, уларни амалга оширишнинг йўлларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши эса иқтисодий мустақилликка эришиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятини яратади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг устивор йўналишларидан бири иқтисодиёт тармоқларида инновацион ислоҳотлар, туб янгиланишларни модернизация қилиши ҳисобланиб, у макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналарни янги ахборот ва коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш, иқтисодиётда нодавлат сектор улушини оширишга асосланади. Ушбу жараён, шубҳасиз мамлакатнинг инновацион, иқтисодий салоҳиятини ошириш билан бир пайтда, ундан унумли фойдаланишни назарда тутади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати миллий иқтисодиётда инновацион ўзгаришларни амалга ошириш суръатларини жадаллаштиришни талаб этмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамалакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, самарали инновацион стратегияни амал қилиши мамлакат иқтисодий ва табиий омилларидан оқилона фойдаланиш орқалигина амалга ошириш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт инновацион шаклланиши энг аввало иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар ҳисобига юз беради, бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини хом ашё экспорт қилишини

камайтириш билан бирга уни қайта ишлашни ривожлантиришга, валюта маблағларининг тежалишига, аҳоли бандлигининг ошишига сабаб бўлади. Ушбу омиллар ўз навбатида инновация стратегиясини амалга ошириш мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамланишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақоланинг назарий ва методологик асоси бўлиб, ахборот ва коммуникацион технологиялар соҳаси бўйича етакчи мутахассисларнинг меҳнатлари, шу билан бирга хориж олимларидан И.Ансоф, В.Беренс, Г.Бирман, М.А.Горелик, Е.А.Голубицкая, М.Питер, Л.Д.Рейман, Дж.Сакс, Г.А.Титоренко, Э.Хельферт каби олим ва мутахассислар изланишлар олиб боришган. Ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида инновацион менежментни самарали қўллашнинг назарий ва амалий муаммоларини Ўзбекистон олимларидан Ш.Р.Орифханов, Б.Б.Абдуллаев, Р.Я.Досумов, И.И.Искандаров, Т.К.Иминов, А.М.Қодиров, М.А.Маҳкамова, Р.М.Муҳитдинова, Х.А.Мамажанов, И.А.Тўхлиев, М.Л.Турсунхўжаев, О.Ҳ.Ҳикматов, М.Ш.Шарифхўжаев, Л.И.Шибаршова, А.Н.Арипов, Х.А.Мухитдинов, Т.З.Тешабаев ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган.

НАТИЖАЛАР

Ахборот-коммуникация технологияларининг тез ривожланиши, «ахборот магистраллари» ўтказиш қувватининг ортиши туфайли йилдан-йилга ахборотнинг тобора каттароқ ҳажми корхоналар, ташкилотлар ва алоҳида кишиларнинг кенгроқ доирасида тарқатилиши мумкин бўлмоқда, лекин технологик ўлчамларнинг соф техник ўсиши ҳам маълумотларни оддий узатишдан жамиятда янги муносабатларнинг ўрнатилишига, билимларни тарқатишнинг самарали тизимига ва пировардида «ахборот иқтисодиётидан» «билимларга асосланган иқтисодиётга» тўла равишда ўтишни, таъминламайди, яъни ижтимоий - муносабатларнинг билимлар ва янги технологиялар иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланадиган тарзда ташкил этишига олиб келмайди. Жадал ахборот - технологик ривожланишни иқтисодий ўсишнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва кишилар фаровонлигини оширишнинг реал манбаига айлантиришга қаратилган бундан ўзгаришлар, шубҳасиз, мамлакат раҳбарияти томонидан саъй-ҳаракатларни кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда тегишли институционал ўзгаришларни талаб қилади. Биринчи навбатда бу фанга ва инновацияларга тааллуқли бўлиб, бу соҳаларда янги

билимлар ҳосил этилиши ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини самаралироқ ташкил этиш янги маҳсулотлар ва хизматлар кўринишида тўғридан - тўғри мужассамлашуви юз беради.

МУҲОКАМА

Ахборотлашган жамият шаклланишида инновацион жараёнларнинг ривожланиши янада муҳим аҳамиятга эга. Бунда янги технологиялар ва техникаларнинг тури, тезкор алоқа, турли биотизимлар ва роботлашган техникаларнинг яратилиши ва уларнинг яратилиш муддатининг қисқалиги янги технологияларнинг юзага келишини ва жадаллик билан ҳаётга кириб келишини кўриш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг такомиллашиб бориши инновацион технологияларнинг турли хўжалик фаолияти юритувчи турли касб эгалари ва турли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб борувчи жараёнларнинг фаолиятига шароит яратиб беради. Уларнинг самарали меҳнати учун бу фаолият эгаларини қанчалик бозор ҳақида, рақобатчилари ҳақида, истеъмолчилар ҳақида ва ниҳоят талаб ва таклиф ҳақида қанчалик ахборотга эга бўлсалар, шунчалик самарали иш олиб борадилар. Бунда инновацион технологиялардан бўлган ахборот фаолияти катта роль ўйнайди.

Инновацион технологияларнинг яққол намуналаридан бири бу –ахборот-коммуникация технологияларидир (АКТ).

Ахборот-коммуникация технологиялари – ахборотларни йиғиш ва узатиш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, тақдим этиш ва фойдаланиш услублари, усуллари тизимига айтилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари – бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун тизимли ташкил этилган ахборот жараёнларини амалга ошириш усули ва воситаларининг мажмуидир.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ишлатилиши, қўлланиши ва бажарадиган вазифаларига кўра классификацияларга бўлиш мумкин.

Шундай қилиб, ахборот-коммуникация технологияларини техник нуқтаи назардан йиғувчи, қайта ишловчи, ахборотни тақсимловчи, ташкилотни бошқаришда қабул қилинадиган қарорларни қўллаб-қувватлаш учун ташкил қилинган, ўзаро боғланган компонентлар тўплами дейиш мумкин. Ахборот технологиялари қарор қабул қилишни қўллаш, координация ва бошқариш билан бирга менежерларга тахлил қилиш, комплекс масалаларни ечиш ва янги қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.

1-жадвал

Ахборот-коммуникация технологияларининг классификацияси

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАР	**АКТ қўлланилишига қараб**	**Анъанавий**
		Янги ахборот технологиялари
	Бошқарув масалаларини қамров даражасига қараб	Маълумотларни электрон қайта ишлаш
		Бошқарув функцияларини автоматлаштириш
		Қарор қабул қилишни қўллаш
		Электрон офис
		Эксперт қўллаш
	Технологик операцияларнинг қўлланилиш синфига қараб	Матнли редактор билан ишлаш
		Жадвалли процессор билан ишлаш
		МБ си билан ишлаш
		График объектлар билан ишлаш
		Мультимедиа тизимлари
		Гиперматн тизимлари
	Фойдаланувчи интерфейсига қараб	Пакетли
		Диалогли
		Тармоқли
	Тармоқ тузилишига қараб	Локал
		Кўп даражали
		Тақсимланган
	Хизмат кўрсатиш соҳаларига қараб	Бухгалтер ҳисоби
		Банк иши
		Солиқ иши
		Суғурта иши
		Бошқалар

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий - техника тараққиёти иқтисодиёт ўсишининг белгиловчи омилига айланди. Ҳар бир янги маҳсулот ортида, асосан, инсоннинг ақлий меҳнати турибди, бу маҳсулотни яратиш мобайнида инсоният жамғарган билимлар ижтимоий қийматга айланмоқда. Илмий- техникавий ахборот илмий тадқиқотларда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ахборот билан боғлиқ фаолият фан бутун инфраструктурасининг ядросидир. Илмий-техникавий соҳасининг тез ривожланиши, унинг иқтисодиётнинг мустақил тармоғига айланиши илмий меҳнат тақсимоти зарурлигига, оқибатда фан инфраструктурасининг яратилишига олиб келди. Муайян ахборот муҳитида ишлаётган олимлар зарур нашрларни (илмий ҳисоботлар, журнал ва китобларни, шунингдек электрон кўринишда) тез олиш, ечилаётган муаммоларни Ўзбекистондаги ва хориждаги ҳамкасблари билан муҳокама қилиш, олинган натижаларни тез нашр этиш имкониятларига эга бўлишлари лозим.

Кейинги йилларда давлат томонидан илмий-техника ахбороти тизимини қайта қуриш бўйича, бозор шароитларида унинг самарали ишлаши бўйича

анчагина саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Илмий-техника соҳасида ахборот сиёсатининг асосий вазифаси, ахборот фондларининг доимий тўлдирилишини таъминлаш «Ўзбекистон фуқароларига фан, технологиялар ва таълим соҳасида ахборот ресурсларидан максимал эркин фойдалана олишларини таъминлашга қодир бўлган ахборот тизими замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялар негизида доимий ривожлантиришдан иборатдир. Бунда қуйидаги қоида ҳал қилувчи бўлиши лозим: фойдаланувчи ахборот бошқариш имкониятига эга бўлади, лекин ахборот кишилар устидан назорат учун ишлатилмаслиги керак.

Сўнгги йилларда республикада ахборотлаштириш ва телекоммуникациянинг қонунчилик базаси яратилди. У ахборот- коммуникация технологиялари фаолиятининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Ахборот - коммуникация тизимлари, тармоқлари ва маълумотлар базалари яратилди, ишлатилишини тартибга солувчи меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалга киритилди.

Республиканинг қонунчилик базаси билан белгилаб берилаётган ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- давлат ва минтақавий ахборот тармоқларини ривожлантириш иқтисодиёт хўжалик секторлари илмий-техникавий фаолиятининг ахборот таъминоти;
- глобал ахборот тармоқларининг ишлаб туриши, тармоқларга тижорат режимида киришни мувофиқлаштириш, турли тармоқлардан ва улар тақдим этадиган хизматлардан фойдалана олишда биргаликни таъминлаш;
- қиммат ускуналардан узоқ фойдаланишни ташкил этиш, ёш тадқиқотчиларни масофадан ўқитишига имкониятларни таъминлаш;
- ахборот ресурсларига мулкчиликнинг барча турларини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш.

Ўзбекистонда давлат Фан ва техника соҳасида ахборот фондлари ва тизимлари яратилишига кўмаклашмоқда. Уларнинг вазифалари илмий-техникавий ахборотни йиғиш, давлат рўйхатига киритиш, таҳлилий ишлов бериш, сақлаш ва истеъмолчиларга етказишдан, илмий маҳсулотнинг нашр этилишига, хориждан илмий-техникавий нашрларнинг олинишига ёрдам беришдан иборат. Қуйидаги давлат ахборот фондлари, ҳужжатлаштирилган илмий-техникавий билимларни жамлаш лозим: илмий нашрлар, дарсликлар, ахборот материаллар, илмий ҳисоботлар, конференциялар материаллари, диссертациялар, саноат каталоглари, патент-лицензия ҳужжатлари ва бошқалар.

Давлат инновацион сиёсатининг шаклланиши ва рўёбга чиқарилишига ахборот билан кўмаклашиш давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шаклларидан фойдаланилган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги инновацион жараённинг турли бўғинларининг мувофиқлаштирилишига қаратилган. Ахборот сиёсати ва илмий-техника сиёсати бир-бири билан яқиндан боғланган. Айни пайтда инновацион сиёсатни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган ахборот ўзига хос хусусиятга эга. Ахборот қисми инновацион иқлимни шакллантиришда, инновация секторига инвестицияларни жалб этиш учун шароитлар яратишда энг муҳим роль ўйнайди. Инновацион фаолиятни шакллантирилишидан олдин инновацияларнинг ахборот инфаструктураси яратилиши лозим ва бу инфраструктура дастурлар рўёбга чиқарилишида ишга солинади.

Фан-техника ва инновациялар соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш учун бир қатор мустақил блоклардан иборат бўлган комплекс ахборот, асос зарур:

- фан ва инновациялар статистикаси, тадқиқотлар ва ишланмаларни олиб борувчи ташкилотлар таркибига, кадрлар, фанни молиялаштириш, илмий кадрлар, фаннинг натижалари бўйича маълумотларни қўшган ҳолда;
- фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш учун бошланғич маълумотлар;
- илмий-техникавий қисмига эга бўлган давлат мақсадли дастурлари доирасида илмий-техникавий лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар;
- давлат мақсадли илмий-техникавий дастури доирасида кичик дастурлар бўйича илмий-техникавий лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот, молиялаш, энг муҳим натижалар, эксперт баҳолари ҳақидаги маълумотларни қўшган ҳолда;
- давлат илмий марказлари;
- илмий-техник салоҳиятнинг ҳудудий тақсимламланиши, ҳудудий илмий-техникавий дастурлар;
- олимларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши (иш ҳақи, пенсия таъминоти ва ҳ.к.)
- халқаро илмий - техникавий ҳамкорлик.

Илмий ва илмий-технологик маҳсулот бозорини яратиш, соҳага жиддий инвестицияларни жалб этиш учун потенциал инвесторларга уларни қизиқтирувчи технологияларни ва илмий маҳсулотни топиш ҳамда олинадиган фойдани максимал ҳисобга олиб, қаторларни баҳолашга имкон берадиган яхлит

ахборот тизимини яратишни талаб қилади. Бунда давлат илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини маваффақиятли тижоратлаштириш учун, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар томонидан яратилган технологиялар етказиб берилиши учун шарт-шароитлар яратиш, илмий-техника соҳасининг кичик корхоналарининг кредитлар билан молияланишларига, инновацион лойиҳаларни бажариш учун кооперациялашувларига, инновацион лойиҳалар экспертизаси ташкил этилишига, ходимларни технологик менежментга тайёрлашга кўмаклашиши лозим.

Инновацион сиёсатни ахборот билан қувватлаш комплекс характерда бўлиши лозим ва инновацион фаолиятнинг барча томонларини қамраб олиши зарур: илмий-техникавий ва патент ахборотни таҳлил қилиш, аниқ технологияларни танлаб олиш, уларнинг бозор имкониятларини таҳлил қилиш ва баҳолашдан тортиб то инвесторларни ахтариш, ходимларни танлаш ва янги маҳсулотли сертификатлашгача.

Ҳозир бу фаолият минтақаларда инновацион инфраструктурали ташкил этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бу фаолият асосан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги каби маҳкамаларда жамланган. Мазкур маҳкамалар томонидан ташкил этилган тармоқларда фан ва таълимни интеграциялаш бўйича дастурлар доирасида турли минтақавий инновацион марказлар яратилмоқда. Уларнинг мақсади кичик инновацион корхоналарни қўллаб- қувватлаш, ишлаб чиқаришнинг тармоқ фани ва олий ўқув юртлари фани билан интеграциялашувига ёрдам беришдир. Бундай марказларни ташкил этишда инновацион корхоналар учун ахборот-коммуникация инфраструктурасини шакллантиришга, уларга маслаҳат хизмати кўрсатиш ва ходимларини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилди. Алоҳида инновацион илмий-техника марказлари асосида илмий-техникавий маҳсулотнинг электрон биржалари ташкил этилади, патент-лицензия соҳасида хизматлар кўрсатилади.

Мамлакатимизда маълумотларни узатиш тармоғи ривожланмоқда, вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг ахборот-коммуникация тизимларини ва тармоқларини маълумотларни узатиш миллий тармоғига бирлаштириш йўли билан ягона ахборот макони шакллантирилмоқда. Фойдаланувчиларнинг халқаро ахборот тармоқларига, интернетни ҳам қўшган ҳолда кира олишларини таъминлаш учун йўлдошли ва орадаги рақамли каналларидан фойдаланиб тўғридан-тўғри алоқалари яратилган интернет

тармоғи бўйича халқаро каналларнинг умумий ўтказиш қуввати кенгаймоқда. Интернет тармоғи провайдерлари ва фойдаланувчилари сони жадал ортмоқда.

Инновацион фаолият тадқиқот объекти сифатида жуда кенг соҳадан иборат бўлиб, мураккаб ва бир хил бўлмаган жараёнлар ва ходимларни қамраб олади. Одатда, инновацион фаолият кенгроқ тушунчадир, яъни ташкилотлар ва фирмаларнинг мақсадлари, имкониятларига боғлиқ равишда инновацион жараёнларнинг йиғиндисини қамраб олади.

ХУЛОСА

Ушбу мақолада ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида инновацион менежментни ҳозирги ҳолати ва ривожланишини назарий асослари ёритилган бўлиб, унда инновацион менежмент ва унинг моҳияти, инновацион менежментни ташкил этишнинг назарий асослари ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида инновацион менежментни ҳозирги ҳолати ва ривожланиши баён этилган.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса шуки, натижаларининг йўналганлиги бўйича инновациялар илмий инструментарий сифатидаги инновацияларга, инновация-жараёнларга ва инновация-маҳсулотларга бўлинади. Инновациялар тўпламининг муҳимлиги даражасига баҳо бериш мақсадида шу тартибда ажратилади.

Ўзбекистон Республикасида инновацион тадбиркорлик ривожланиши ва инновацияларни бошқариш муаммоларининг методологик асосларини замонавий талабларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиш зарур.

Инновацион фаолиятнинг самараси корхоналарнинг инновацион мақсадлари ва имкониятларига, ходимларнинг инновацион фикрлаш қобилиятларига боғлиқ.

REFERENCES

1. Афонин И.В. Инновационный менеджмент. – М.: Гардарики, 2005.
2. N.Rosenberg(2004) “Innovation and economic growth”
3. Белокнов А.В. и др. Менеджмент организации; современные технологии, Ростов на Дону, “Феникс”, 2002.
4 Голубецкая Е.А. и др. Экономика связи. М. РиС 2006 г.
5 Арипов А.Н., Иминов Т.К. «Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари» Монография -Т.: «Фан ва технология», 2005.

6 Мухитдинов Х.А., Иминов О.К. Проблемы повышения финансово-экономической эффективности инфокоммуникационных услуг в Узбекистане. Диссертация на соис. уч.ст. к.э.н. Ташкент “Академия”-2007 г
7 www.biznes-daily.uz
8 Waseda University and CIO International Academy Rankings, 2018. https://informationpolity.com/news-blog/14th-waseda-iac-international-digital-government-rankings-2018-report